

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

**“ГИДРОЛОГИЯ ВА ГИДРОГЕОЛОГИЯ” КАФЕДРАСИ**

**“ГЕОЛОГИЯ ВА ГИДРОГЕОЛОГИЯ АСОСЛАРИ”  
ФАНИДАН ЎҚУВ АМАЛИЁТИНИ ТАШКИЛ  
ҚИЛИШ ҲАМДА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА**

**У СЛУБИЙ КЎРСАТМА**

**ТОШКЕНТ – 2016 йил**

Ушбу услубий кўрсатма институт илмий – услубий Кенгашининг «10» апрель 2015 – йил № 7 -сонли мажлисида кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия этилди.

Ушбу услубий кўрсатма “Гидромелиорация” факультети “Сув хўжалиги ва мелиорация”, Касб талълими: “Сув хўжалиги ва мелиорация”, ”Экология ва атроф-мухит муҳофазаси”, ”Гидрология” йўналишлари ва “Гидротехника иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш” факультети “Гидротехника қурилиши”, “Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш”, “Иrrигация тармоқлари ва сув энергиясидан фойдаланиш” йўналишлари талабаларига мўлжалланган.

Кўрсатмада талабалар олинган назарий билимларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда ерларнинг гидрогеологик, инженер-геологик шароитларини ўрганиш ва баҳолаш учун ўтказиладиган қидирув-тадқиқот ишларини ўтказиш, уларнинг турлари, мазмуни, олинган натижаларни тартибга солиш ҳамда қайта ишлаш усуслари билан танишадилар.

Тузувчилар:  
Юсупов Г.У. г.м.ф.н., доцент  
Нуржанов С.Е. т.ф.н., доцент  
Қувватов Д.А., ассистентъ  
Рузиев И.М., ассистент

Тақризчилар:  
Икрамов Р.К. - ИСМИТИ лаборатория мудири, т.ф.д.  
Якубов М.А. - етакчи илмий ходим, т.ф.д.  
Махмудова И.М. - “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси доценти

## К И Р И Ш

Ўқув режасига асосан “Геология ва гидрогеология асослари” фани бўйича ўқув жараёнининг таркибий қисмига 2 ҳафталик дала ўқув амалиёти киритилган.

2–курс талабалари фан бўйича назарий дастурни тўлиқ ўзлаштирганларидан сўнг ўқув амалиёти ўтказилади.

Ўқув амалиёти ўқув таълименинг аҳамиятли шакли ҳисобланади ва талабалар биринчи марта гидромелиоратив тадбир ва иншоотларнинг лойиҳасини асослаш учун зарур бўлган геологик, гидрогеологик ва инженер – геологик қидирув – тадқиқот ишлари билан шугулланадилар. Табиий шароитларнинг ўзгаришини, инсон фаолияти таъсирида бўлган минераллар ва тоғ жинсларини, гидрогеологик ва инженер–геологик шароитларни ўрганадилар.

Услубий кўрсатманинг ҳар бир қисми алоҳида мавзуга бағишиланган. У куйидаги мазмун ва тартибда ёритилган:

- I. Ўқув амалиётининг мақсади ва вазифалари
- II. Ўқув амалиётини ўтказиш жойи ва уни ташкил қилиш
- III. Ўқув амалиётининг мазмуни ва иш услуби
- IV. Дала ишлари
  - IV. 1. Геоморфологик шароитни ўрганиш
  - IV. 2. Геологик тузилишни ўрганиш
  - IV. 3. Гидрогеологик шароитни ўрганиш
  - IV. 4. Геологик ва инженер – геологик жараён ва ҳодисаларни ўрганиш
  - IV. 5. Бурғилаш ва шурф кавлаш ишлари
  - IV. 6. Режим кузатув ишлари
  - IV. 7. Дала тажриба ишлари
  - IV. 7. А.Н. С. Нестеров усули ёрдамида аэрация минтақаси тоғ жинсларининг фильтрация коэффициентини аниқлаш
  - IV. 7. Б.Режим – кузатув натижаларидан фойдаланиб каналлар ва зовурларнинг гидродинамик номуккаммаллигини аниқлаш
  - IV. 7. В.Кудуклардан тажрибавий сув тортиб олиш натижаларидан фойдаланиб гидрогеологик кўрсаткичларни аниқлаш
  - IV. 8.Дала кундалигини олиб бориш тартиби
- V. Камерал ишлар ва хисботни тузиш

Ўқув амалиётига тайёргарлик кўриш даврида талабалар дала ишларини олиб бориш усулларини ва турли хилдаги ишларни бажаришда амал қилинадиган техника хавфсизлиги қоидалари билан ҳамда шахсий гигиена ва санитария меъёрлари билан танишадилар.

## **I. ЎҚУВ АМАЛИЁТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.**

### **Ўқув амалиётининг мақсади:**

1. Геология ва гидрогеология асослари фани бўйича олинган назарий билимларини мустаҳкамлаш;
2. Гидрогеологик ва инженер – геологик қидирув ишларининг оддий усуллари ва турлари билан танишиш;
3. Гидрогеологик қидирув – тадқиқот ишларининг натижаларини инженер – гидромелиораторнинг амалий фаолиятида фойдаланишни ўрганиш.

### **Ўқув амалиётининг вазифалари:**

1. Муқаддам олиб борилган тадқиқотлардан фойдаланиб ўқув амалиёти ўтказиладиган худуднинг геологияси, гидрогеологияси ва инженерлик геологияси ҳақида маълумотлар тўплаш;
2. Даля шароитида айрим гидрогеологик ва инженер - геологик кузатувларини ўтказиш;
3. Ўтказилган тадқиқот ва кузатув маълумотларини қайта ишлаш ва тартибга келтириш;
4. Далада олиб борилган ва муқаддам ўтказилган гидрогеологик ва инженер – геологик тадқиқот натижаларидан фойдаланиб ҳисобот тузиш.

## **II. ЎҚУВ АМАЛИЁТИНИ ЎТКАЗИШ ЖОЙИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

“Геология ва гидрогеология асослари” фани бўйича дала ўқув амалиёти Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги ТИМИ га қарашли ўқув – тажриба хўжалиги худудида ўтказилади.

Ўқув амалиётини ташкил қилиш институт миқёсида буйруқ чиқариш билан бошланади. Буйруқда ўқув масалалари ёритилади ва моддий – техникавий таъминот бўйича амалиёт раҳбари ва гурух раҳбарлари таъминланади.

Амалиёт раҳбари амалиёт учун асбоблар ва жиҳозлар танлайди, далага чиқиб амалиёт ўтказиш майдонини, талабаларнинг лагерини жойлаштириш жойини аниқлайди. Сўнгра етишмайдиган асбоблар, жиҳозлар ва керакли автотранспорт учун буюртмалар беради.

Синов – имтиҳон сессияси тугаганидан сўнг талабаларнинг умумий йиғилиши ўтказилади. Йиғилишда талабалар ўзларига бириктирилган раҳбарлар, жўнаб кетиш вақти ва тартиби билан, амалиёт дастури, адабиётлар ва амалиёт ўтказиладиган худуднинг геологик хариталари ва у ерда кенг тарқалган тоғ жинслари билан таништирилади.

Йиғилишда талабаларга ўзлари билан оладиган буюмлар, овқатланиш тартиби ва уни ташкил қилиш хақида ахборот берилади. Йиғилишда талабалар рўйхати аниқланади, 8-10 кишилик бригадалар ташкил қилинади, бригада бошлиқлари тайинланади ва ўкув амалиёти даврида риоя қилиниши лозим бўлган меҳнат хавфсизлиги қоидалари билан таништирилади ва маҳсус журналга уларнинг исми – шарифи ёзилиб, унга ҳар бир талаба имзо чекади.

Меҳнат хавфсизлиги бўйича инструктаж ўтмаган ва маҳсус журналга имзо чекмаган талабалар ўкув амалиётига қўйилмайди.

“Геология ва гидрогеология асослари” фанидан ўкув амалиёти 2 ҳафта давомида олиб борилади ва бажариладиган ишларнинг хажми ва тури талабалар томонидан қуидаги тартибда амалга оширилади:

### **Биринчи кун.**

1. Ўкув амалиёти ўтказиладиган институт ўкув тажриба хўжалигига етиб бориш, яшаш жойларини тартибга келтириш, чодирлар ўрнатиш (тикиш), ички интизом қонун – қоидалари ва амал қилиниши шарт бўлган кун тартиби билан талабаларни таништириш;

2. Фойдаланиладиган жиҳозларни, асбоб – ускуналарни бригадалар бўйича олиш ва амалиёт даврида бажариладиган ишларнинг мақсади ва вазифалари, турлари ва ҳажми билан таништириш.

### **Иккинчи кун.**

1. Ўкув амалиёти ўтказиладиган майдонда танишув маршрутларини ўтказиш ва кўз билан чамалаб шартли тасвирини (харитасини) чизиш.

2. Бурғилаш қудуқлари кавланадиган, тажриба ва кузатув ишлари ўтказиладиган жойларни танлаш ва уларни шартли белгилар билан тархда (харитада) белгилаш.

3. Нивелирлаш ишларини олиб бориш учун репер (баландлик белгиси) ни қидириб топиш ёки шартли репер ўрнатиш.

### **Учинчи кун.**

1. Белгиланган жойларда бурғилаш қудуқларини ва шурфларни кавлаш.  
2. Кавланган қудуқлар ва шурфлаш учун журнал тайёрлаш.  
3. Бурғилаш қудуқлари ва шурфларда геолого – литологик тузилишни ўрганиш, сизот сувларининг сатҳини ўлчаш ва улар жойлашган жойнинг рельеф шароитини, сув хўжалиги шароитини ўрганиш.

4. Дала ишлари натижаларини хонада қайта ишлаш ва тартибга келтириш.

### **Тўртинчи кун.**

1. Бурғилаш қудуклари ва шурфларни кавлаш ва бурғилаш журналини тұлдириш.

2. Барча қудукларда сизот сувлари сатхини ўлчаш (кунига 3 марта) ва натижаларини махсус журналга ёзиш.

3. Дала ишлари натижаларини қайта ишлаш ва тартибга солиши.

### **Бешинчи кун.**

1. Бурғилаш қудуклари ва шурфларни кавлаш ва бурғилаш журналини тұлдириш;

2. Барча қудукларда сизот сувлари сатхи устидан режим кузатув ишларини ўтказиш (кунига 3 марта) ва натижаларини махсус қайдномага ёзиш;

3. Дала ишлари натижаларини қайта ишлаш ва тартибга келтириши.

### **Олтинчи кун.**

1. Бурғилаш қудуклари ва шурфларни кавлаш ва бурғилаш журналини тұлдириш;

2. Барча қудукларда сизот сувлари сатхи устидан режим кузатув ишларини ўтказиш (кунига 3 марта) ва махсус журналга ёзиш;

3. Дала ишлари натижаларини қайта ишлаш ва тартибга келтириши.

### **Еттинчи кун.**

1. Барча қудукларда сизот сувлари сатхи устидан режим кузатув ишларини ўтказиш (кунига 3 марта) ва натижаларини махсус журналга ёзиш;

2. Кавланган бурғилаш қудукларининг ва шурфларнинг мутлақ баландлигини нивелир ёрдамида аниклаш ва майдондаги ҳолатини тархда реперга боғлаш;

3. Н.С.Нестеров усули ёрдамида аэрация миңтақаси тоғ жинсларининг фильтрация коэффициентини аниклаш тажрибасини ўтказиш ва натижаларини қайта ишлаш;

4. Дала ишлари натижаларини қайта ишлаш ва тартибга келтириши.

### **Саккизинчи кун.**

1. Барча қудукларда сизот сувлари сатхи режимини қузатиш ишларини ўтказиш (кунига 3 марта) ва натижаларини махсус қайдномага ёзиш;

2. Кавланган бурғилаш қудукларининг ва шурфларнинг мутлақ (ёки нисбий) баландлигини нивелир ёрдамида аниклаш ва майдондаги ҳолатини тархда реперга боғлаш;

3. Канал, коллектор ва зовур атрофларида махсус кузатув қудукларини кавлаш ва уларда режим кузатув ишларини олиб бориш, ва қўрсаткични ҳисоблаш ва уни график усулда аниқлаш, натижаларини қайта ишлаш;

4. Дала ишлари натижаларини қайта ишлаш ва тартибга келтириш.

### **Тўққизинчи кун.**

1. Қудукларда ёки шурфларда тажрибавий сув тортиб олишни ўтказиш ва кузатиш натижаларини қайта ишлаш;

2. Қудукларда сизот сувлари сатҳи режими ning кузатув ишларини ўтказиш ва натижаларини махсус журналга ёзиш;

3. Дала ишлари натижаларини қайта ишлаш ва тартибга келтириш.

### **Ўнинчи кун.**

1. Қудукларда сизот сувлари сатҳи режимини кузатиш ишларини ўтказиш, режим графикларини тузиш;

2. Бурғилаш, нивилирлаш ва режим – кузатув ишлари натижаларидан қуидагича фойдаланилади:

а) геолого – гидрогеологик қирқимлар тузиш;

б) сизот сувларини ётиш чуқурлиги ва гидроизогипс харитасини тузишни тугатиш;

в) ёпқич қатламлар қалинлиги харитасини тузишни тугатиш.

3. Ҳисбот матнини ёзиш.

### **Ўн биринчи кун.**

1. Барча қудукларда сизот сувлари сатҳи режимини кузатиш ишларини ўтказиш ва махсус журналга ёзиш, режим графикларини тузиш;

2. Бурғилаш қудукларини ва шурфларни меҳнат хавфсизлиги талабларига кўра шиббалаб кўмиш;

3. Ўқув амалиёти ҳисботининг матнини ёзил тугатиш ва илова қилинадиган чизмаларни, журналларни тайёрлашни тугатиш;

4. Ўқув амалиёти бўйича топшириладиган синовга тайёргарлик кўриш.

### **Ўн иккинчи кун.**

1. Ўқув амалиёти ҳисботини ҳимоя қилиш ва синовдан ўтиш;

2. Ётоқхона хоналарини ва атрофини тартибга келтириш;

3. Амалиётда фойдаланилган жиҳозларни, асбоб – ускуналарни топшириш.

## **ІІІ. ЎҚУВ АМАЛИЁТИНИНГ МАЗМУНИ ВА ИШ УСЛУБИ.**

Ўқув амалиёти бошланмасдан аввал талabalар амалиёт ўтказиладиган худуднинг геоморфологик шароити, геологик тузилиши, унда кенг тарқалган

тоғ жинслари намуналари, гидрогеологик ва инженер – геологик шароитлари билан олдин ўтказилган қидирув – тадқиқот натижаларидан фойдаланиб таништирилади.

Талабалар ўқув амалиёти ўтказиладиган худудга етиб келгандаридан сўнг ҳар бир бригада учун дала ишларини ўтказиш майдони раҳбари томонидан ажратиб (белгилаб) берилади.

Амалиёт ишлари ўтказиладиган майдонда 12 кун мобайнида талабалар қуидаги ишларни бажарадилар: **А.** Дала ишлари; **Б.** Лаборатория ишлари; **В.** Хонадаги ишлар; **Г.** Ўқув амалиётининг барча турларини ўз ичига олган умумий ҳисобот тузиш; **Д.** Ҳисоботни ҳимоя қилиш ва синовдан ўтиш.

Хар бир бригадага бириктирилган талабалар дала ишлари натижаларидан фойдаланиб қуидаги ишларни бажарадилар:

1. Ҳудудда кенг тарқалган барча тоғ жинсларининг коллекциясини тўплаш ва уларни ҳужжатлаштириш;

2. Бир нечта йўналишлар (2 – 3 та) бўйича геолого – гидрогеологик кесимлар тузиш;

3. Сизот сувларининг ётиш чуқурлигини ва гидроизгипс харитасини тузиш;

4. Ёпқич қатламлар қалинлиги харитасини тузиш;

5. “Шох” қатламларнинг тарқалиш харитасини тузиш;

6. Режим – кузатув натижаларни графикларини тузиш;

7. Далада олиб борилган фильтрацион тажрибаларни қайта ишлаш хусусиятларини тузиш;

8. Далада ўтказилган тажрибаларнинг чизма ва графикларини тузиш.

#### IV. ДАЛА ИШЛАРИ.

Дала ишлари комплекс гидрогеологик, инженер – геологик съёмкадан, кудуқларни кавлаш, тажриба ва режим – кузатув ишларидан ташкил топади.

Амалиёт олиб бориладиган ҳудудда дала ишлари қуидаги тартибда бажарилади:

а) амалиёт ўтказиладиган худуднинг чамаланган шартли харитаси (абрис) тузилади;

б) бурғилаш ишлари ўтказиладиган йўналишлар чизиги (қирқимлар), бурғилаш нуқталари, тажрибалар ўтказиш майдончалари танланади;

в) барча табиий ёки сунъий кузатиш жойларини (булоқлар, тоғ жинсларининг очилган ерлари, рельефнинг айрим ўзига хос кўринишлари ва б.) танлаш ва харитада белгилаш;

г) бурғилаш қудуқлари ва шурфларини кавлаш ва ҳужжатлаштириш;

д) далада олиб боришга режалаштирилган барча тадқиқот, кузатув – тажриба ишларини ўтказиш ва уларни ҳужжатлаштириш, натижаларини қайта ишлаш;

е) кавланган бурғилаш қудуқларини, шурфларни ва бошқа кузатиш жойларининг баландлигини ва майдонда жойлашган ўрнини аниqlаш.

## IV.1. ГЕОМОРФОЛОГИК ШАРОИТНИ ЎРГАНИШ.


Геоморфологик шароитни ўрганиш учун ҳудуд рельефи ҳосил бўлиши жиҳатидан қандай турга мансублиги, унинг умумий кўриниши, қияланиш йўналиши, алоҳида кўринишга ва шаклга эга эканлиги аниқланади, уларнинг чегаралари харитага туширилади.

Қорасув дарёси водийси ўрганилаётган вақтда имкони борича унинг тузилиши, ҳосил бўлиши ва ривожланиш тарихи тўғрисида маълумотлар тўпланиши лозим. Водий кўндаланг кесимларда ва майдонда ўрганилади. Биринчи навбатда водийнинг шакли, ўлчамлари ва қирғоқларнинг хусусиятига эътибор берилади (баландлиги, кенглиги, узунлиги ва бошқалар).

Қайир баландлиги дарё юзасидан ўлchanади (чап ва ўнг қирғоқ учун), кенглиги дарёнинг қирғоғидан биринчи террасанинг зинасигача, биринчи террасанинг баландлиги қайирнинг юзасидан иккинчи террасанинг юзасигача, кенглиги эса қайир террасаси биринчи терраса чегарасидан бошлаб ўлchanади (1-расм). Ўлчовлар рельефнинг хар бир элементини чап ва ўнг қирғоқлари учун бажарилади.

Дала ишлари вақтида дарё водийсининг кўриниши тархи чизилади. Алоҳида нисбий баландликлар, рельефнинг характеристи, тик қирғоқларнинг кўриниши, жарликлар ва бошқалар тўғрисида маълумотлар тўпланди.

Ҳудудда учрайдиган алоҳида кўринишга эга бўлган рельеф шакллари (жарликлар, ювилган ерлар, ботқоқликлар, дўнгликлар ва бошқалар) харитага шартли белгиларда туширилади ва ўлчамлари аниқланади.



**1 – расм. Дарё водийси элементлари.**

1–ўзан, 2–қайир, 3–биринчи қайир усти террасаси, 4-иккинчи қайир усти террасаси.

Умуман геоморфологик шароитни ўрганиш натижасида рельефни юзага келтирган геологик жараёнларга тавсиф берилади ва мазкур амалиёт

ўтказилган майдон мелиоратив тадбирлар ўтказиш нуқтаи назаридан баҳоланади.

## IV. 2 . ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШНИ ЎРГАНИШ.

Худуднинг геологик тузилишини ўрганиш олдин бажарилган геологик қидирув ишларидан, геоморфологик тадқиқот ишларидан, дала ишлари мобайнида кузатилган табиий ва сунъий очилмалардан, кавланган шурфлардан, бурғилаш қудуқларидан олинган маълумотларга асосланади.

Талабалар дала ишларини бошлашдан олдин ўтказилган қидирув натижаларидан фойдаланиб, амалиёт раҳбари бошчилигига худуднинг геологик тузилишини ўрганиб чиқадилар, тарқалган тоғ жинслари билан танишадилар ва натижада унинг геологик тузилиши бўйича умумий таассуротга эга бўладилар. Сўнгра дала ишларини бажаришга киришадилар.

Биринчи навбатда тоғ жинсларини турли омиллар таъсирида очилган жойлари (табиий очилмалар) ўрганилади.

Очилма деб, тоғ жинсларининг ер юзига чиқиб қолган жойлари тушунилади. Очилмалар табиий ва сунъий бўлади (2 - расм).

Агар ерлар текисликлардан иборат бўлса, шурфлаш ва бурғилаш қудуқлари кавланади.


Тоғ жинсларининг табиий очилмалари дарё водийларида, рельеф кескин ўзгарган, ўйилган жойларда, ер ости сувлари булоқлар кўринишида ер юзига чиқсан жойларда, аввал кавланган қудуқларда ва сунъий кавланган чуқурликларда ўрганилади ва хужжатлаштирилади. Тоғ жинсларининг очилмаларини хужжатлаштириш қўйидаги тартибда бажарилади:

1. Тоғ жинслари очилган жойларининг тартиб раками сони дала кундалигида ва харитада кўрсатилади.

Дала кундалигининг чап варафига очилган жойнинг қирқими (тасвири) чизилади, ўнг варафига эса ёзувлар туширилади (2 - расм).

2. Очилманинг жойлашган нуқтаси маълум белгили обьектларга боғланади;

3. Очилманинг геоморфологик элементи (жарлик, сой терраса, қайир ва б.) ва унинг кўриниш шакли (ювилган тик қирғоқ, карьер, йўл чеккаси, ўйилган чуқурлик, шурф девори ва бошқалар) кўрсатилади;



**2-расм. Табиий очилманинг қирқимдаги тасвири.**

4. Очилманинг дарёга, қайирга ёки бирор юзага нисбатан баландлиги ўлчанади ва ёзилади;

5. Очилманинг ўлчамлари (кенглиги ва узунлиги) аниқланади ва ёзилади;

6. Табиий очилмада чиқиб қолган тоғ жинсларининг тавсифи юқоридан пастга ёки пастдан юқорига қараб тартиб сони қўйилиб ёзилади. Ёзишда куйидаги тартибга риоя қилиниши лозим:

а) петрографик ном, агар уни аниқлагаш имкони бўлмаса “тоғ жинси” деб ёзилади ва намуна олинади;

б)ранги;

в)табиий намлиги (куруқ, нам, хўл, сувга тўйинган);

г) қатламни ётиш шароити ва шакли (горизонтал, қиялама, моноклинал, қатлам, линза, қатламча, нотўғри шаклда);

д) структура ва теастураси (ғоваклиги, йирик бўшликлари, қатламланганлиги, донадорлиги, доналарнинг катталиги, ёрилганлиги ва б.);

е) тоғ жинси таркибида учрайдиган аралашмалар (турли шаклдаги туз кристаллари тўплами, асосий жинслар таркибидаги ўзга жинс бўлаклари ва ҳ.к.);

ё) минерологик таркиби (қандай минераллардан ташкил топишлиги);

ж) қаттиқлиги (мустағкамлиги, болғача билан урганда қийин парчаланади, осон парчаланади, қўлда осон уваланади, парчаланади);

з) фауна ва флоралар (таркибида ҳайвон ва ўсимлик қолдиқларининг мавжудлиги);

и) қатламлар орасидаги чегараларнинг хусусияти (аста-секин ўзгариб ўтиш, кескин ўтиш,текис чегаралар, тўлқинсимон чегара, чегаралардаги чуқурликлар ва ҳ.к.);

й) тоғ жинсларининг нисбий ёши (қатламнинг тартиб сони ёнига индекс билан унинг ёши ёзилади, бунинг учун этalon жинслардан фойдаланилади номаълум бўлса тоғ жинсининг намунаси олинади).

Агар табиий очилмалар яхши очилмаган бўлса, уларнинг юзаси белкурак билан ёпилган жинслардан тозаланилади.

Бурғилаш қудуклари ва шурфларни кавлаш ва улар ёрдамида геологик тузилишни ўрганиш кейинги махсус қисмларда ёритилган.

#### **IV. 3. ГИДРОГЕОЛОГИК ШАРОИТНИ ЎРГАНИШ.**

Дала ишлари даврида геологик тузилишни ўрганиш билан бир қаторда ер ости сувларининг ер юзига чиққан барча жойлари батафсил ўрганилади. Амалиёт бошланмасдан аввал талабаларни ҳудуднинг умумий гидрогеологик шароити билан таниширади.

Талабалар ер ости сувларининг ётиш шароити, тарқалиши, сувли қатламлар ва сув ўтказмайдиган қатламлар орасидаги гидравлик боғланиш, озуқа олиш ва сарфланиш тўғрисида умумий таассуротга эга бўлишлари лозим.

Гидрогеологик шароитни ўрганиш ер ости сувларини ер юзига турли хил қўринишда чиққан жойларида (булоқларда), бурғилаш қудукларида, шруфларда, коллектор ва очиқ зовурларда кузатувлар олиб бориш орқали амалга оширилади.

Ер ости сувлари дарё водийсида ҳамда майдонда кавланган турли қазилмаларда ер юзасига булоқ бўлиб чиқади. Дала ишлари вақтида улар дала кундалигига ёзилади ва тартиб рақами қўйилиб, харитада белгиланади. Дала кундалигига қўйидаги маълумотлар келтирилиши лозим:

1. Кузатув вақти (йил, ой, кун, соат);
2. Булоқнинг тури (босимли, босимсиз);
3. Жойлашган ери (дарё, канал, зовур, аҳоли яшайдиган жойга нисбати);
4. Булоқ чиққан жойнинг геоморфологик элементи ва баландлиги (сойнинг ости, террасанинг ёнбағри, дарё сувидан ёки бошқа юзадан баландлиги);
5. Сув сизиб чиқаётган тоғ жинсларининг келиб чиқиши, ёши, таркиби ва бўшлиқларнинг номи (ёриклар, ғоваклар, бўшлиқлар);
6. Булоқдан сувнинг сизиб чиқиш хусусияти (бир нуқтадан, катта юзадан, ботқоқланган жойдан ва бошқалардан);
7. Қўйилиш (қўшилиш) жойи (дарёга, зовур ёки коллекторга);
8. Сувларнинг ҳарорати, ранги, таъми, хиди, тиниқлиги;
9. Булоқнинг сарфи (л/с);
10. Сувли қатламнинг номи;
11. Булоқдан чиқаётган сувдан фойдаланиши;
12. Булоқни жиҳозланганлиги.

Агар ҳудудда аввал кавланган қудуклар мавжуд бўлса, уларнинг жойлашган жойи харитада белгиланади ва қўйидагилар дала кундалигига ёзилади:

1. Қудукнинг аҳоли яшайдиган жойга, йўлга дарёга, каналга нисбатан жойлашиши;

2. Геоморфологик ва баландлик ҳолати (қиялик, терраса, сугориладиган пахта даласи ва ҳ.к.);
3. Ер юзидан ер усти сувли сатҳигача бўлган чуқурлик;
4. Қудуқнинг тартиб сони очилган сувли қатламнинг номи ва тури (босимли, сизот сувлари, осма сизот сувлари);
5. Сувли қатламнинг таркиби ва қалинлиги;
6. Қудуқнинг ўлчами (кесими, чуқурлиги, жихозланганлиги ва ҳ.к.);
7. Қудуқнинг техникавий ҳолати ва ифлосланиш хавфи;
8. Ер ости сувларининг ҳарорати, таъми, ранги, хиди, тиниқлиги;
9. Қудуқдан тортиб олинаётган сув миқдори ва ундан фойдаланиш.

Юқорида айтилганлардан ташқари гидрогеологик шароит талабалар томонидан амалиёт даврида кавланган шурфлар ва бурғилаш қудуқларида олиб бориладиган кузатувлар натижаларидан фойдаланиб ҳам ўрганилади.

#### **IV. 4. ГЕОЛОГИК ВА ИНЖЕНЕР – ГЕОЛОГИК ЖАРАЁН ВА ҲОДИСАЛАРНИ ЎРГАНИШ.**

Амалиёт қатнашчиси дала ишлари мобайнида амалиёт ўтказилаётган ҳудудда тарқалган геологик ва инженер – геологик ҳодиса ва жараёнларни ўрганиши ва кузатиш натижаларини дала кундалигига ёзиши ва тасвирини чизиши лозим.

Ўкув хўжалиги ҳудудида эрозия, суффозия ва ботқоқланиш ҳодисаларини кузатиш мумкин.

**Эрозия ва аккумуляция.** Бу жараёнлар натижасида Қорасув дарёси водийсида ҳосил бўлган қайир террасасини ва ювилган тик қирғоқларни кузатиш мумкин бўлади.

Қайир террасасини ўрганиш жараёнида дала кундалигига водийнинг тасвирини чизищ, кенглигини, узунлигини ва дарё сувига нисбатан баландлигини ўлчаш ерини харитага тушириш лозим. тик қирғоқларни эрозия таъсирида ҳосил бўлишини айниқса дарёда сув кўпайганда (тошқин вақтида) кузатиш мумкин. Ювилаётган тик қирғоқларнинг ҳосил бўлишини қишлоқлар атрофида ҳам кузатиш мумкин. Дала кундалигига ҳодиса кузатилаётган жойнинг тарҳдаги тасвири, қирқимнинг тузилиши чизилади, ўлчамлари ўлчанади ва уларнинг ҳосил бўлиш сабаблари ёзилади.

Эрозия ва аккумуляция жараёнлари билан боғлик бўлган ҳодисаларни ўрганишда ҳодиса қандай тоғ жинсларида кечаётгани, уларнинг ҳолати, петрографик таркиби, тузилиши, қатламларнинг қалинлиги ва бошқалардан фойдаланилади.

**Суффозия.** Ер ости сувлари ҳаракатланганда тоғ жинслари таркибидаги жуда майда зарралар сувлар билан ювилади ва ҳаракатга келади ёки ер ости сувлари билан ер юзига чиқади. Бу жараённи зовур ва коллектор қирғоқларида, Қорасув водийсида кузатилади. Кузатиш вақтида суффозия кечаётган жой харитада белгиланади, сизиб чиқаётган сувнинг сарфи, ер юзига чиқиб қолган тоғ жинси заррачаларининг таркиби, булоқ атрофида

ҳосил қилинган конуснинг ва рельефнинг кўриниши ва бошқа жиҳатлар дала кундалигида тасвириланади ва ёритилади.

Дарё водийсида кузатиладиган ботқоқланиш ҳодисасини жойлашган майдони харитада кўрсатилади ва келтириб чиқарувчи сабаблар ёзма равишда дала кундалигига ёритилади.

#### **IV. 5. БУРҒИЛАШ ВА ШУРФ КАВЛАШ ИШЛАРИ.**

Бурғилаш ва шурф кавлаш ишлари ўқув амалиёти ўтказилаётган худудда табиий ва сунъий очилмалар етишмаган ҳоллардагина, текисликларда геологик тузилишни ва гидрогеологик шароитни ўрганиш учун олиб борилади. Бурғилаш қудуқлари ва шурфлар амалиёт раҳбари ёрдамида танланган йўналишлар бўйича (3 – 4 та) кесмаларда белгиланган нуқталарда кавланади. Уларнинг чуқурлиги сувли қатламнинг ва ер ости сувлари сатхининг чуқурлиги билан белгиланади ва у 5 – 6 метрни ташкил қилиши мумкин.

**Шурф** деб тўғри бурчакли тўртбурчак ёки квадрат кесимда кавланган тик сунъий тоғ қазилмасига айтилади ва у ер юзидан бошлаб кавланади. Одатда

шурфлар қўл билан кавланади ва кесими иш олиб боришнинг қулайлигини ҳисобга олиб  $1,0 \times 1,0$  м ;  $1,2 \times 1,2$  м ва ҳ.к. ўлчамлар танланади.

Шурфларни хужжатлаштириш тоғ жинсларини литологик таркибини ёзишдан, геологик қирқимнинг тасвирини чизишдан ва турли хилдаги тоғ жинсларидан намуна олишдан иборат бўлади (1-жадвал).

**1 – жадвал**

Гео- логик ёши	Кат- ламни тартиб раками	Чукурлиги м		Катлам калин- лиги	Шурф деворларининг азимути ва қиркими				Тоғ жинслари литологик таркибининг тавсифи	Ер ости суви- нинг сатхи, м
		дан	гача		Ш.ш.	Ж.ш.	Ж.г.	Ш.г.		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
alQ4	1	0.0	0.4	0.4					1. Кумок енгил тупрок, кунгир куруқ, юкори кисми 0/1/нинг намлиги каттарок. Таркибида карбонат тузлари ва усимлик илдизлари мавжуд	
	2	0.4	1.20	0.8					2. Майда донали кумлар, нам, таркибида оз микдорда майда шагал	
	3	1.2	1.4	0.2					3. Йирик донали кумлар, тук кулранг, таркибида шагаллар учрайди	1.4 1.3
	4	1.4	1.8	0.40					4. Майда донали кумлар, кулранг, сувга туйинган	
	5	1.8	2.30	0.5					5. Шагалли – кумли жинслар кулранг, сувга туйинган	

Тоғ жинсларининг литологик таркибининг тавсифи юқоридан пастга томон олиб борилади. Қатламларнинг чукурлиги шурфнинг 4 та бурчаги учун кўрсатилади. Чукурликнинг барча ўлчовлари шурф юзасидаги доимий бошланғич нуқтадан ўлчанади. Тасвир шурфнинг бутун айланаси учун чизилади. Агар геологик тузилишни каттароқ чукурликкача ўрганиш лозим бўлса, бурғилаш қудуқлари қазилади. Бурғилаш жараёни турли хил бурғилаш ускуналари ва шнек билан қудуқ тагидаги тоғ жинсларини майдалашдан ва уни ер юзига чиқаришдан иборатдир.

Бурғилаш қудуқларини хужжатлаштириш бурғилаш жараёнини ва очилган тоғ жинсларини тавсифлашдан, ер ости сувларининг ҳарорати ва сатхини ўлчашдан ҳамда тоғ жинслари ва сувлардан намуна олишдан иборатдир. Ҳар бир бурғилаш қудуғининг тарҳдаги ва харитада белгиланган. Бурғилаш жараёнида ер юзига исказа билан чиқарилган тоғ жинси жойида ёзилиши лозим, чунки ранги, намлиги ғоваклиги қисқа вақт ичидаги ўзгариб кетиши мумкин. Тоғ жинсларининг тавсифи имкони борича тўлиқроқ ёзилиши керак. Бурғилаш натижасига кўра қудуқнинг қирқими тузилади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Бурғилаш қудуғининг қирқими

Геологик ёши	Қатламни тартиб	Қатлам чукурлиги	Қатлам мқалинилиги	Литологик қирқим	Тоғ жинсларини литологик тартиби(тавсифи)	Ер ости суви сатхи чукурлиги, м	Жараён
--------------	-----------------	------------------	--------------------	------------------	---	---------------------------------	--------

	сони	дан	гача			)	пайдо бўлган и	барка рор холат и	
alQ <sub>4</sub>	1	0,00	0,3	0,3		1. Қумоқ тупроқ, кулранг, чангли, ўсимлик илдизлари мавжуд			
	2	0,3	0,8	0,5		2. Гилли тупроқ, кулранг, оҳакли, нам эгилувчан, серғовак			
	3	0,8	1,5	0,7		3. Гилли тупроқ, кулранг, қуйма, қотган тузлар ва кўп миқдордаги оҳак тузлари кристаллари тарқалган			
	4	1,5	2,0	0,5		4. Майда донали қумлар, кулранг, таркибида майда шагал кўп учрайди	1,5	1,3	

## **IV. 6. РЕЖИМ КУЗАТУВ ИШЛАРИ.**

Сизот сувлари сатхининг вақт бирлигидаги ўзгариши кузатув ишларининг асосини ташкил қиласи. Кузатувлар дала амалиётининг биринчи кунидан бошлаб олиб борилиши лозим.

Аввало ўкув бригадаси аъзолари ўз майдонида далада жойлашган барча кузатув нуқталарини-қудукларини, булоқларини ёки ер ости суви юзаси очилган жойлари қидириб топади.

Топилган жойлари (қудукларни, булоқларни ва х.к.) кўрсатманинг олдинги қисмларида кўрсатилган талаблар бўйича ўрганиб чиқадилар, хужжатлаштирадилар ва уларда сатхнинг кузатув ишларини бажарадилар.

Сўнгра талабалар бригада учун ажратилган майдонда бурғи қудукларини ва шурфларни кавлайдилар. Кавлаб тугатилган ҳар бир қудукда (тайёр бўлиш тартибига кўра) сатхнинг ўлчаш ишларини ўтказа бошлайдилар.

Сатхларни ўлчашни бошлашдан аввал ҳар бир қудук ёнига унинг тартиб рақами ёзилган тахта ва қозиқ қоқилади ва ўлчовлар баландлиги ўзгармас бўлган тахтacha устидан бўлган тахтacha устидан бир нуқтадан олиб борилади.

Кузатилаётган қудукнинг атрофи текисланади ва имкони борича ёпишиб кетмаслиги учун унинг юзи беркитилади.

Ҳар бир қудукда сизотсувларининг сатҳи бир кунда 3 марта 8-00, 13-00 ва 18-00 ларда ўлчанади ва кузатув журналига ёзиб борилади. Ўлчовларни ўтказиш вақтида кузатув қудуғи атрофидаги далага сув қуйилгани ёки қуйилмагани, каналда сув борлиги, зовурнинг ҳолати ва шу каби режимга таъсир этиши мумкин бўлган омиллар, маълумотлар кузатув журналига (3 илова) ёзиб қўйилади. Кузатув журналига бошқа маълумотлар билан бир қаторда кузатув қудуғи жойлашган майдончанинг тархи чизилган бўлади.

Сатхни ўлчаш ишлари дала амалиётининг охирги кунигача ҳамма қудукларда кунига 3 мартадан давом эттирилади ва сўнгра ҳар бир қудук учун сизот сувлари сатхининг вақт бирлиги ичida ўзгариш графиги (11 илова) миллиметрли қофозга чизилади.

## **IV. 7. ДАЛА ТАЖРИБА ИШЛАРИ**

Тажриба ишлари далада табиий шароитда тоғ жинсларининг гидрогеологик хусусиятларини аниқлаш учун ўтказилади. Уларга аэрация минтақаси тоғ жинсларининг фильтрация коэффициенти ( $K$ ), сувли қатламнинг сув ўтказувчанлигини ( $T$ ) ва фильтрация коэффициентини аниқлаш киради.

Аэрация минтақаси тоғ жинсларининг фильтрация коэффициентини аниқлаш учун шурфга эркин сув қувиш, сувга тўйинган минтақанинг юқори қисмини фильтрация коэффициентини ( $K$ ) ва сув ўтказувчанлиги коэффициентни ( $K_m$ ) аниқлашда қудуклардан сув тортиб олиш ва маҳсус кузатув ишлари усуулларидан фойдаланилади. Булардан ташқари канал, коллектор ва зовур тагининг фильтрацион қаршилиги улар атрофида

кавланган кузатув қудуқларида маҳсус дастур асосида кузатишлар ўтказиб аниқланади.

Қуйида бу усуллар қисқача ёритилади. Талабалар улар ҳақида тўлиқ маълумотлар амалиёт даврида ўқитувчилардан оладилар.

#### **IV. 7а. Н. С. НЕСТЕРОВ УСУЛИ ЁРДАМИДА АЭРАЦИЯ МИНТАҚАСИ ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ ФИЛЬТРАЦИЯ КОЭФФИЦИЕНТИНИ АНИҚЛАШ.**

Аэрация минтақасига жойлашган сувга тўлиқ тўйинмаган тоғ жинсларининг сув ўтказувчанигини аниқлаш учун шурфларга сув қуиши тажрибалари ўтказилади. Бундай тажрибалар сув ўтказувчаниги кичик гилли жинсларда ва ер ости сувларининг чуқурлиги 5 метрдан кам бўлмаган жойларда қўлланилиши мумкин.


Ишлаб чиқариш амалиётида, гидрогеолого- мелиоратив ва инженер – геологик қидирув – тадқиқот ишларида бошқа усулларга нисбатан мукаммал ва тоғ жинслари бўйлаб сувнинг ҳаракати жараёнида капилляр кучлар таъсирида уларнинг атрофига ёйилишини чеклайдиган Н. С. Нестеров усули кенг қўлланилади.

Тажрибани ўтказиш учун керакли чуқурликкача шурф кавланади. Шурфнинг таги горизонтал ҳолатга келтирилиб текисланади ва диаметри 0.5 м, баландлиги 0.2 м бўлган ҳамда пастки қисми ўткирланган ҳалқа босиб киргизилади. Унинг ўртасига диаметри 0.25 м ва баландлиги 0.2 м бўлган ҳамда пастки қисми ўткирланган кичик ҳалқа босиб киргизилади. Сув қуиилаётган вақтда ерни ўйиб лойқалатиб юбормаслик учун ҳалқалар жойлашган юзаларга 2 – 3 см қалинликда йирик қум ёки майда шағал солинади (3 - расм).


Ҳалқанинг юқори ва пастки қисмларида 0.1 м ни кўрсатадиган белги бўлиб, ерга киргизишда уларга эътибор берилади.

Сув қуишини бошлашдан аввал 4 та Мариотта идишлари олинади ва сувга тўлдирилади. Идишнинг тагида 2 та найча бўлиб, улардан бири ҳаво ва бири сув найчаларидир. Сувни очиш-ёпиш учун маҳсус жўмраклар ўрнатилган. Идишлардан бири ички ҳалқа устига, иккинчиси ташқи ҳалқа устига ўрнатилади. Тажрибани бошлашдан олдин ҳалқалар 0.1 м баландликда сув билан тўлдирилади ва идишларнинг жўмраклари очилади. Тажроиба вақтида сувнинг сатҳи 0.1 м баландликда доимий ушлаб турилиши шарт. Ҳаво жўмраги 0.1 м баландликка тўғриланган бўлиб, у сув сатҳини автоматик равишда бир хил баландликда ушлаб туриш учун хизмат қиласи. Ҳар бир ҳалқадан вақт бирлиги ичida шимилаётган сув сарфи ўлчаб турилади.

Тажриба вақтида ички ҳалқадан шимилаётган сув асосан тик ҳаракат қиласи. Ташқи ҳалқадан шимилаётган сув эса капилляр кучлар таъсири остида ҳам тик ва ҳам ён томонларга ҳаракат қиласи. Ташқи ҳалқадан келаётган сув ички ҳалқадан келаётган сувнинг капилляр кучлар таъсирида ён томонларга ёйилишига йўл қўймай фильтрация жараёнини таъминлайди.



3 – расм. Н.С.Нестеров усулида фильтрация коэффициентини аниқлаш схемаси.



4–расм. Сарфланаётган сувнинг вақт оралиғида үзгариш графиги.

Тажриба вақтида сарфланаётган сувнинг вақт оралиғида үзгариб туриш графиги тузиб борилади (4-расм). Сарфланаётган сувнинг миқдори 6 – 8 соат давомида барқарор бўлиб қолганидан сўнг тажриба батамом тўхтатилади. Бу кузатишлар ички ва ташқи ҳалқалар учун бир хилда олиб борилади.

Сув қувиш тўхтатилгандан сўнг ички ҳалқа марказидан сув шимилиб борган чуқурликни аниқлаш учун бурғи қудуғи кавланади. Фильтрация коэффициентини ҳисоблашда фақат ички ҳалқадан кетаётган барқарор сув сарфи ҳисобга олинади.

Фильтрация коэффициенти қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$K_{\phi} = \frac{QZ}{W(hk + Z + H)} M / \kappa \quad (1)$$

Бу ерда: **Q** - фильтрация вақтида ички ҳалқадаги барқарор сув сарфи (л/мин);  
**W** - ички ҳалқа юзаси ( $m^2$ );  
**H** - ҳалқадаги сув устуnung қалинлиги (м);  
**Z** - сизиб ўтаётган сув чуқурлиги (м);  
**h** - капилляр босим (м).

Капилляр босимнинг қиймати капилляр кўтарилиш баландлиги максимал қийматининг 50 % ига яқин бўлади. Н. Н. Биндеман капилляр босим қийматини қуидаги жадвал бўйича аниқлашни тавсия қиласди.

### 3 – жадвал.

Тоғ жинслари	Капилляр босим, м
Оғир гилли тупроқлар	1,0
Енгил гилли тупроқлар	0,8
Оғир қумлоқ тупроқлар	0,8
Енгил қумоқ тупроқлар	0,4
Гилли майда донали қумлар	0,3
Тоза, майда донати қумлар	0,2
Ўрта донали қумлар	0,1
Йирик донали қумлар	0,05

Сизиб ўтиш чуқурлиги “Z” диаметрлари унча катта бўлмаган иккита қудук кавлаб аниқланади. Битта қудук тажриба бошлангунча 3 – 4 м чуқурликда ва шурфдан 3 – 5 м узоқликда кавланади. Иккинчи қудук эса тажрибадан кейин худди шу чуқурликда ички ҳалқанинг ўртасидан кавланади. Тоғ жинсининг намлигини аниқлаш учун ҳар икки қудукдан намуналар олинади. Намуналарнинг намлигини солиштириш орқали тажриба вақтидаги сувнинг сизиб ўтиш чуқурлиги аниқланади.

## IV. 76. РЕЖИМ – КУЗАТУВ НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ КАНАЛЛАР ВА ЗОВУРЛАРНИНГ ГИДРОДИНАМИК НОМУКАММАЛЛИГИНИ ( $\Delta L$ ) АНИҚЛАШ.


Каналлар ва зовурлар атрофида сизот сувлари сатҳи устидан режим кузатувларини олиб бориш, уларнинг номукаммаллиги ва тагини лойқа босиши ҳисобига вужудга келадиган фильтрацион қаршиликни ва фильтрацияга йўқотиладиган сув сарфини аниқлашга имкон беради.

Сугориш тизимларидан фильтрацияга бўладиган йўқотиш ҳудуднинг умумий сув балансида муҳим аҳамиятга эга, айниқса каналлар бетонланмаган бўлса бу таъсир янада каттароқ бўлади. Бу йўқотиш сугориш тизимининг

турли табақаларида турлича бўлади ва у тизимнинг техникавий ҳолатига, айниқса, тагининг лойка босиши ва кольматация даражасига боғлиқ.

Ер ости сув оқимининг ҳавза (канал, зовур, сув омбори, дарё) билан гидравлик боғланган шароитли жойларида ҳавза тагининг қаршилигини оқим узунлигини  $\Delta L$  қийматига узайтириб ҳисоблаш лозим.  $\Delta L$  узунликни каналлар ва зовурлар атрофида қирғоққа тик ва бир хил йўналишда жойлаштирилган иккита кузатув қудуқларида сизот суви сатҳи устидан бир вақтда ўлчанадиган режим кузатувлари маълумотларидан фойдаланиб аниқланади.

Иккита кузатув қудуғи асосий сувли қатламга ва ер ости суви оқимининг деформацияга учраган минтақасига жойлаштирилади (5-расм).



**5-расм. Каналларда  $\Delta L$  ни график усулда аниқлаш чизмаси.**

Фильтрация режими барқарор ва инфильтрация бўлмаган шароитда ( $W = 0$ ) биринчи ва иккинчи кузатув қудуғи орасидаги оқимнинг солиштирма сарфи ( $q$ ) қўйидагича аниқланади:

$$q_2 = T \frac{H_1 - H_2}{L_2} \quad (2)$$

Сув ҳавзаси ва биринчи кузатув қудуғи орасидаги оқим сарфи, уни узунлигини  $\Delta L$  га узайтирилишини ҳисобга олганда

$$q_1 = T \frac{H_0 - H_1}{L_1 + \Delta L} \quad (3)$$

бўлади. Бу шароитда  $q_1 = q_2$  бўлганлиги учун


$$\Delta L = \frac{H_0 - H_1}{H_1 - H_2} (L_2 - L_1) \quad (4)$$

Амалиёт даврида талабалар ўқитувчи раҳбарлигига кузатиладиган йўналишни танлайдилар ва иккита кузатув қудуғи кавлаб, каналда ва қудуқларда сув сатҳи устидан бир вақтда ўлчашиб ишларини олиб борадилар. Каналдаги ва қудуқлардаги сув сатҳи баландлиги ва улар орасидаги масофа аниқ ўлчанади. Ўлчовлардан (улар асосида тузилган графиклардан)

фильтрациянинг стационар ҳолати танлаб олинади ва юқоридаги (2, 3, 4) формулалар орқали  $q_1$ ,  $q_2$  ва  $\Delta L$  ҳисобланади.

Ҳисоблаш усулидан ташқари  $\Delta L$  ниграфик усулда ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун 6-расм миллиметрли қоғозда масштабда чизилади ва депрессия эгри чизигининг оқим деформацияси туғаши олдидағи пасайиб бориш ҳолати канал суви юзасидан ўтказиладиган горизонтал чизик билан кесишгүнча давом эттирилади. Канал қирғоги билан кесишгән нұқтагача бўлган масофа  $\Delta L$  нинг графикдаги қийматини беради.

Худди шундай усул билан зовурлардаги  $\Delta L$  ни ҳисоблаш ва график усулда аниқлаш мумкин (6 - расм).



КК – кузатув қудуклари

6 - расм. Зовурларда  $\Delta L$  ни график усулида аниқлаш чизмаси.

#### **IV. 7в. ҚУДУҚЛАРДАН ТАЖРИБАВИЙ СУВ ТОРТИБ ОЛИШ НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ГИДРОГЕОЛОГИК КҮРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ.**

Тўда қудуклардан тажрибавий сув тортиб олиш гидрогеологик тадқиқот ишларининг асосий турларидан бири ҳисобланади. Бурғу қудукларидан сув тортиб олиш орқали тоғ жинсларининг фильтрация коэффициенти “ $K$ ” м/кунда ва сув ўтказувчанлиги “ $K_m$ ” (бу ерда  $m$  – сувли қатламнинг қалинлиги)  $m^2$ /кунда аниқланади.

Тажриба ўқув хўялиги ҳудудида аввал кавланган ва жиҳозланган ва ҳозирги кунда эксплуатация қилинаётган қудук (марказий қудук) атрофида тўртта кузатув қудуклари билан жиҳозланган майдончада ўтказилади. Кузатув қудуклари иккитадан икки йўналиш бўйича жойлаштирилади. 1 ва 3 кузатув қудуклари марказий қудукдан 7 метр масофада, 2 ва 4 кузатув қудуклари эса марказий қудукдан 11 метр масофада жойлаштирилади (7-расм).

Тажриба майдончасидаги қудуклар тўртламчи давр аллювиал ётқизиқларидан ташкил топган тоғ жинслари қатламларига жойлаштирилади.

Сувли қатлам тоғ жинслари таркибида қисман майда донали шағал бўлган қумлардан ташкил топади.

Сув тортиб олиш жараёнида марказий ва кузатув қудукларида сизот сувлари сатҳи устидан ( $h_{din}$  – динамик сатҳи) ва марказий қудукдан тортиб олинаётган сув сарфи (Q, л/с) устидан кузатув олиб борилади (7 б - расм).

Сув тортиб олиш доимий сарф билан олиб борилади ва у ҳажмий усулда ўлчанади. Бурғу қудукларида сув сатҳининг пасайиши (S, м), статик ва динамик сатҳларнинг фарқидан аниқланади. Сатҳлар маҳсус сатҳ ўлчовчи асбоб ёрдамиба аниқланади. Ер ости сарфи ва сатҳи устидан олиб бориладиган кузатувлар бир вақтда ўтказилади. Сарф ва сатҳ устидан олиб борилган кузатувлар маҳсус журналга (12 - илова) ёзиб борилади.


Сув тортиб олиш бошланмасдан аввал сатҳ ўлчовчи асбоб ёрдамида марказий ва барча кузатув қудукларида сизот сувлари юзасигача бўлган статик сатҳ чуқурлиги ўлчанади.

Тўда қудуклардан сув тортиб олиш ер ости сувларининг ўзгариб турган сатҳи ( $h_{din}$ ) тажриба вақтида 6 – 8 соат давомида барқарор бўлгунига қадар давом эттирилади. Тажриба бошланганидан сўнг ўлчовлар ҳар 10 минутдан сўнг бажарилади. Икки соат ўтгандан кейинги 2 соат ичидаги 15 минутда, сўнгра ҳар 30 минутда ўлчаб турилади. Сув тортиб олиш тўхтатилгандан сўнг марказий ва кузатув қудукларида ер ости сувлари сатҳининг тикланиши устидан (ҳар 2 – 3 минутда) кузатувлар олиб борилади ва сатҳ статик сатҳ тиклангунича давом эттирилади. Олинган натижалар журналга ёзиб борилади (12 - илова).

Сизот сувлари сатҳи тикланиши устидан кузатув тугагандан сўнг олинган натижалар қайта ишланади. Бунда бурғилаш қудуғининг конструкцияси, сув сатҳининг ( $h_{din}$ ) ва сарфининг (Q, л/с) вақт бирлиги ичидаги ўзгариш графиги, тортиб олинаётган сув сарфини сатҳ пасайиши (S) билан боғлиқлигининг графиги тузилади.

Сув тортиб олиш тажрибасининг бошланғич даврида қудуклардаги ер ости сувининг ҳаракати барқарор бўлмайди. Сўнгра вақт ўтиши билан сизот сувларининг сатҳи барқарорлашади.

Ер ости сувларининг фильтрация режими барқарор ҳолатга эга бўлганида гидрогеологик кўрсаткичларни аниқлашда ДЮПОИ формуласидан фойдаланилади.



7- расм. Тўда қудуқлардан тажрибавий сув тортиб олиш (б)  
ва қудуқларнинг жойлашиши (а)

Сувли тоғ жинсларининг фильтрация коэффициентини ҳисоблаш иккита бурғилаш қудуғидан сув сатҳларини таққослашга асосланади.

Мукаммал қудуқларда марказий ва 1 – кузатув қудуғи учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K = \frac{0.73Q}{(2H - S_M - S_1)(S_M - S_1)} \lg \frac{r_1}{r_0} \quad (5)$$

Бу ерда:  $H$  – босимсиз сувли қатламнинг қалинлиги, м;  
 $S_M$ ,  $S_1$  – марказий ва биринчи кузатув қудуғидаги сатҳларнинг пасайиши, м;  
 $r_1$  – марказий қудуқдан биринчи кузатув қудуғигача бўлган масофа, м;  
 $r_0$  – марказий қудуқнинг радиуси, м.

Иккита кузатув қудуғи учун эса қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K = 2 \frac{0.73Q}{(2H - S_1 - S_2)(S_1 - S_2)} \lg \frac{r_2}{r_1} \quad (6)$$

$S_1$  – биринчи ёки учинчи қудуқдаги сизот суви сатҳининг пасайиши, м;  
 $S_2$  – иккинчи ёки тўртинчи қудуқдаги сизот суви сатҳининг пасайиши, м;  
 $r_1$  – марказий қудуқдан биринчи ёки учинчи кузатув қудуғигача бўлган масофа, м;  
 $r_2$  – марказий қудуқдан иккинчи ёки тўртинчи кузатув қудуғигача бўлган масофа, м.

Ўтказилган тажрибалар усулининг айрим жиҳатлари ўқитувчи томонидан иш жараёнида тўлдирилади, тузатишлар киритилади ва унинг иштирокида олиб борилади.

#### **IV. 8. ДАЛА КУНДАЛИГИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ.**

Ўқув амалиётини ўтиш даврида ҳар бир талаба дала кундалигини олиб бориши шарт. Дала кундалигига кузатиш нуқталаридан (КН) олинган барча маълумотлар, турли хил ўлчовлар ёзилади ва табиий очилмалар ва бошқаларнинг расмлари, графиклари, чизмалари тузилади. Дала кундалиги талабанинг ўқув амалиёти даврида бажарган барча ишларини акс эттирувчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Дала кундалигининг сарварағида олий ўқув юрти ва факультетнинг номи, талабанинг исми, фамилияси ва отасининг исми, кундаликнинг тартиб сони, бошланган ва тугатилган вақти, институтнинг манзилгоҳи ва йўқолган вақтдан топиб олган шахсдан қайси манзилгоҳга юбориши ҳақида маълумот берилади.

Табиий очилмалар ҳужжатлаштирилганда кундаликнинг чап варагида кунинг тартиб сони, кузатиш нуқтаси (КН), очилманинг жойлашган ери, тархи бирор бир аниқ обьектга боғлаб чизилади. Очилманинг қирқими, унинг бирор бир юзага нисбатан баландлиги, очилмада чиқиб қолган тоғ жинсларининг шартли белгилардаги тасвири, таркибидаги аралашмалар ва бошқалар масштабда тасвирланади.

Кундаликнинг ўнг варагида кузатиш нуқтасининг тартиб сони (КН-1), очилма жойлашган ер рельефининг шакли, унинг ўзига хослиги (тик ва ювилган қирғоқ, дарё террасаси ва унинг қисми), ўлчанган катталиклар қиймати, ётиш ҳолати, шакли, тузилиши, аралашмаларга тавсиф берилади ва бошқа чизмада тасвирлаб бўлмайдиган маълумотлар ёзилади (8 - расм).


Агар ер ости сувларининг ер юзига чиқкан жойи ўрганилаётган бўлса (булоқлар) кундаликнинг чап варагида булоқнинг тархдаги жойлашган нуқтаси (КН - 2), дарёдан булоққача бўлган масофа, ернинг рельефи (сойнинг таги, дарё террасаси, тик ювилган қирғоқнинг ости ва бошқалар), геологик қирқими, сув чиқаётган жойнинг кўриниши (бўшлиқлар, ёриқлар ва бошқалар) ва булоқни фойдаланиш мақсадида жихозланганлиги тасвирланади.

Кундаликнинг ўнг варагида булоқни тартиб сони, кузатув вақти, босимли ёки босимсизлиги, дарёга нисбатан баландлиги, тоғ жинсларининг тавсифи, сув сарфи, унинг ранги, таъми, ҳиди ва бошқалар ёзилади.

Дала кундалигининг сўнгги вараклари фотосуратларни ёзиб бориш учун қолдирилади. Олинган ҳар бир суратнинг тартиб сони, вақти, унинг мазмуни, кузатиш нуқтасининг тартиб сони, қачон ва қаерда олинганлиги ёзилади.

Дала ишлари бошлангандан сўнг ҳар куни далада олиб борилган кузатувлар натижаси қайта ишланади ва тартибга келтирилади.

Мунтазам олиб бориладиган камерал ишлардан сўнг дала кундалигидаги ёзувлар ва чизмалар тартиби келтириб борилади, камчиликлар тузатилади ва лозим бўлса қўшимча ишлар (кузатувлар) ўтказилади.



8 – расм. Дала кундалиги ўнг бети варағи тузилишининг намунаси.

## V. КАМЕРАЛ ИШЛАР ВА ХИСОБОТНИ ТУЗИШ.

### V. 1. КАМЕРАЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

Хонадаги ишларни бажариш дала амалийтининг биринчи куниданоқ бошланади. Хонадаги ишларнинг асоси бўлиб бригада талабалари томонидан олиб борилган дала кундалигига қўрсатилган маълумотлар ва тажрибалар хизмат қиласи. Амалиётнинг ҳар кунгиси дала ишлари тугаши билан унинг натижалари хонада тартиби келтирилади, камчиликлари тузатилади, жадваллар, журналлар тузилади, тасвиirlар, қирқимлар ва хариталар чизилади, ҳисоблар бажарилади ва таҳлил қилинади. Агар камчиликлар мавжуд бўлса келаси куни далада аниқлаш учун қўшимча ишлар ўтказилади. Сўнгра охирига етказилган ишлар оқقا қўчирилади ва ҳисбот учун тайёрлаб қўйилади.

Хона ишларида бригаданинг барча аъзолари қатнашишлари шарт. Бригаданинг ҳар бир аъзоси жадвал ва чизмаларни чизиш билан бир қаторда ҳисботнинг бир бобини ёзиши лозим. Бажариладиган хона ишлари амалиёт раҳбар – ўқитувчи раҳбарлигига ва назоратида олиб борилади.

### V. 2. ҲИСОБОТНИНГ МАЗМУНИ.

Ҳисбот қуйидаги боблардан иборат бўлади:

**I.** Кириш (мақсади, тадқиқотнинг вазифалари, иш турлари, тадқиқотларнинг ҳажми ва усули, бригада таркиби, амалиёт ўтказиш муддатлари ва бошқалар).

**II.** Ҳудуднинг физик – географик шароити (амалиёт ўтказиладиган ҳудуднинг жойлашган ери, иқлими, гидрографияси ва бошқалар).

**III.** Ҳудуднинг геоморфологик шароити (рельеф турлари, элементлари, ҳосил бўлиши, тарқалиши, ўзига хослиги, катталиклари ва ҳ.к.).

**IV.** Ҳудуднинг геологик тузилиши (тоғ жинсларининг ёши, генетик турлари, петрографик таркиби, қалинликлари, тарқалиши, ётиш шароитлари).

**V.** Ҳудуднинг гидрогеологик шароити (ер ости сувларининг ётиш чуқурлиги, таркиби, йўналиши, озука олиши ва сарфлаши, режими, ер усти сувлари билан боғлиқлиги).

**VI.** Ҳозирги замон геологик ва инженер – геологик жараён ва ҳодисалар (ҳудудда тарқалган ҳодиса ва жараёнлар, уларни тарқалиши, ҳосил бўлиши, катталиклари).

**VII.Дала – тажриба ишларининг натижалари:**

а) Н. С. Нестеров усули ёрдамида аэрациямintaқаси тоғ жинсларининг фильтрация коэффициентини аниқлаш тажрибасининг натижалари;

б) Мунтазам ўтказилган режим – кузатув натижаларидан фойдаланиб канал ва зовурларнинг гидродинамик номукаммаллигини ( $\Delta L$ ) аниқлаш натижалари;

в) Қудуқлардан сув тортиб олиш тажрибасининг натижалари.

**VIII. Хулосалар.**

Ҳисобот матни амалиёт даврида олинган ва тўпланган маълумотлардан фойдаланиб ёзилади. Матн таркибига қайта ишланган турли хил жадваллар, тасвиirlар, қирқимлар ва бошқа иловалар дала кундалигидан олиб киритилади.

### **V. 3. АМАЛИЁТ СИНОВИНИ ТОПШИРИШ ТАРТИБИ.**

Ҳисобот ва унинг чизма иловалари бригада жамоаси томонидан тузилади. Бригаданинг ҳар бир аъзоси алоҳида ҳисобот бобини ёзди ва чизма иловаларни тузишда қатнашади.

Тугатилган ҳисобот матни ва чизма иловалар бригаданинг барча аъзолари билан биргаликда кўриб чиқилади, мухокама қилинади ва унга ҳар бир бригада аъзоси имзо чекади, сўнгра амалиёт раҳбарига текширишга топширилади.

Ҳисоботнинг бригада бўйича ҳимояси ҳайъат аъзолари олдида амалга оширилади. Бригаданинг ҳар бир аъзоси ҳайъатнинг кўрсатмасига кўра ҳисоботнинг ўзи ёзган қисми бўйича маъруза қиласи ҳамда бутун ҳисобот бўйича берилган саволларга жавоб беради. Ҳимоя натижаларига ва ҳисоботнинг сифатига кўра талабалар синовдан ўтказилади.

### **VI. ДАЛА АМАЛИЁТИ ДАВРИДА МЕХНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ.**

“Геология-қидибув ишларида меҳнат хавфсизлигининг умумий қонун-қоидалари”дан кўчирмалар (“Недра, Москва 1964й.”).

1. Геологик съёмка, қиди्रув, геофизик, бурғилаш, гидрогеологик, инженер-геологик ва бошқа геологик ишлар тасдиқланган умумий меҳнат хавфсизлиги қонун-қоидалари бўйича бажарилиши шарт.

2. Барча талабалар меҳнат хавфсизлиги қонун-қоидаларини ўрганиб, инструктаж олганларидан кейин ва меҳнат хавфсизлиги журналида қайд қилинганидан кейин ўқув амалиётига қўйиладилар.

3. Ҳар бир талаба фақат меҳнат хавфсизлигини ўрганган соҳаси бўйича ишга қўйилади. Ўқитилмаган ва инструктаж ўтмаган соҳа бўйича ўқув амалиёти раҳбарининг рухсатисиз ишга қўйиш ман этилади.

4. Электр ўтказувчи симлар, газ ва нефть қувурлари атрофида ишлар ўтказиш учун хавфсизлик чоралари кўрилиши лозим.

5. Белкурак, болға ва бошқа шунга ўхшаш асбоб-ускуналарнинг соплари яхши тиқилган бўлиши шарт. Синган, бузилган асбоб-ускуналар билан ишлаш ман этилади.

6. Дала ўқув амалиёти бошланишидан олдин барча талабалар билан иш шароитлари, меҳнат хавфсизлиги қонун-қоидалари, меҳнат интизоми ҳақида алоҳида инструктаж ўтказилиши шарт.

7. Вақтинча тураг жойлар заҳарли илонлар ва ҳар хил ҳашоратлар бўйласлиги учун шохлардан, тошлардан тозаланган бўлиши керак.

8. Чодирлар (палаткалар) қозиқларга маҳкамланган бўлиб, атрофида сув оқадиган ариқчалар бўлиши керак. Чодирлар бир-биридан 2-3м. масофада ўрнатилади.

9. Чодирлар (палаткалар) ўрнатилаётганда шамолнинг йўналиши ҳисобга олиниши шарт. Чодирга кирадиган жой шамол йўналишининг қарама-қарши томонида бўлгани маъқул.

10. Чодирда шам, электр ўтказгичларини қаровсиз қолдириб кетиш ман этилади.

11. Чодир ўрнатилган жойда заарли ҳашоратлар, илонлар борлиги аниқланган бўлса, ётиш олдидан кўрпа-тўшакларни кўздан ўтказиб чиқиш керак.

12. Дала ўқув амалиётида иштирок этаётганлар шахсий гигиена ва санитария қоидаларига амал қилишлари, турадиган жойни ва атрофни тоза тутишлари лозим.

13. Талабаларни иш жойидан ва лагердан ўзбошимчалик билан кетиб қолиши ман этилади.

14. Ўқув амалиётида қатнашаётган талабаларнинг биттаси ёки бир гурухи номаълум сабабларга кўра йўқ бўлиши тасодифий ҳодиса деб ҳисобланиши ва уларни топиш учун зарур чоралар кўрилиши керак.

15. Ҳар бир бригада ёки гурух талабалари ўқув амалиёти раҳбари томонидан жойнинг шарт – шароитига қараб юриладиган маршрутнинг қоидалари билан таништирилган бўлишлари керак.

16. Маршрутда адашиб қолган талаба харакатини ўша жойда тўхтатиб, ўзи ҳақида тутун орқали хабар бериши керак.

17. Тоғли жойларда тошларни ва харсангларни пастка қулатиш ман этилади.

18. Қиялик бурчаги катта бўлган жойларда кўтарилиш ва пастга тушиш тик йўналишда эмас,. Балки эгри чизик бўйича амалга оширилиши керак.

19. Қия жарликлар ва дарё водийларида иш олиб борилаётганда сурилишлар ва кўчкilarга йўл қўймаслик учун айниқса кўп ёғингарчиликдан кейин эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилиш керак.

20. Жарлик, дарё водийлари, зовурларнинг қирғоқларида юриш ман этилади.

21. Дарё, сой, зовурлардан кечиб ўтиладиган бўлса, ўша жой текширилган бўлиши шарт.

22. Кўлмак, туриб қолган сувларни ичиш ман этилади.

23. Заарли ҳашоратлар ва заҳарли илонлар чақишининг олдини олиш мақсадида енгил, очик пойафзалда юриш ман этилади. Тоғ жинсларидан намуна олишдан олдин у болға билан астагина уриб кўрилиши керак. Чакалакзорлар ва баланд, қалин ўт ўсган жойлардан юрилганда таёқчадан фойдаланиш керак бўлади.

24. Фильтрация коэффициентини шурфларга сув қуиши усулида аниқлашга қуидагилар киради:

а) Бўшроқ тоғ жинсларида шурфларни деворлари бутун чуқурлиги бўйича мустаҳкамланган бўлиши керак;

б) Сув идишлари шурфдан 1 м узоқликда жойлашган бўлиб яхши ўрнатилган бўлиши керак.

25. Иш ва тураг жойларида тозаликка риоя қилиш керак. Чиқиндилар ажратилган жойларга ташланиши ёки йўқ қилиб юборилиши керак.

26. Ичимлик сув манбалари (қудуклар, сув ҳавзалари, булоқлар) тоза тутилиши шарт ва улар ҳар хил чиқиндилар, заарли кимёвий моддалар билан ифлосланишидан муҳофаза қилиниши керак.

27. Кўрсатилган тартиб қоидаларни бузган талабалар маъмурий ва иқтисодий жавобгарликка тортиладилар.

**ҲИСОБОТГА ИЛОВА  
ҚИЛИНАДИГАН ЧИЗМАЛАР ВА  
ЖАДВАЛЛАРДАН НАЪМУНАЛАР.**

1 – Илова.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент ирригация ва мелиорация институти

“ГИДРОЛОГИЯ ВА ГИДРОГЕОЛОГИЯ” КАФЕДРАСИ

“ГЕОЛОГИЯ ВА ГИДРОГЕОЛОГИЯ АСОСЛАРИ”

фанидан ўқув амалиёти бўйича

### X И С О Б О Т

Гидромелиорция факультети II к./ 3 гурӯҳ

3 – бригада:

1. Хўжаниёзов К.
2. Матибоева А.
3. Холиёрова Н.
4. Раҳматқориев Ш.
5. Романов Ж.
6. Абдимуротов У.

Амалиёт раҳбари:

*доц. F.Y.ЮСУПОВ*

Тошкент – 2015й.


## ДАЛА КУНДАЛИГИ

Кундаликнинг чап томони

Кундаликнинг ўнг қирғоғида

а)тархи

б)қирқим



Кузатиш нуқтаси Қорасув дарёсининг ўнг қирғоғида, марказга борадиган йўлнинг ғарб томонига 250,0 м масофада қишлоқ чеккасида жойлашган.

1. Лёссимон ёпқич қатламларда тарқалган тупроқ қатлами қалинлиги 1 м.
2. Оқиш, жигарранг гиллар. Таркибида қумлар ва турли хил шаклдаги карбонат тузлар учрайди. Зичлиги катта. Қалинлиги 2,5 м.
3. Шағалли йирик донали қумлар. Қалинлиги 0,5 м.
4. Гилли тупроқлар. Ранги оч жигарранг. Таркибида карбонат тузлар ва қумлар учрайди. Қалинлиги 3,0 м.
5. Шағалли қумлар. Қалинлиги 3,5 м.
6. Гилли тупроқлар. Ранги қўқимтириж жигарранг. Ҳолати юмшоқ. Таркибида қумлар, карбонат тузлар учрайди. Қалинлиги 2,9 м.
7. Майда донали қумлар. Қалинлиги 0,5 м.

## ХАРИТАЛАР, ҚИРҚИМЛАР ВА БОШҚА ЧИЗМАЛАРДА ИШЛАТИЛАДИГАН ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР.

1. Геолого – гидрогеологик харита ва қирқимлар учун:



- кумлар




- шағаллар



- кумли шағаллар




- гилли тупроқлар



- кумоқ тупроқлар



- гиллар



- “шүх”



- литологик, стратиграфик ва бошқа чегаралар



Шурфлар ва бурғу қудуқлари, чап томонда:

суратда гурухнинг тартиб сони, маҳражда шурфнинг ёки бурғу қудуғининг тартиб сони, ўнгда ёпқич қатламнинг қалинлиги.



- кесимлар чизигининг йўналиши.

## II. ГИДРОИЗОГИПС ВА СИЗОТ СУВЛАРИНИНГ ЁТИШ ЧУҚУРЛИГИ ХАРИТАСИ УЧУН:


**18**



**24**



Шурфлар ва бурғилаш қудуклари Чап томонда: суратда гурухнинг тартиб рақами, маҳражда шурфнинг ёки бурғу қудуғининг тартиб рақами. Ўнг томонда: суратда қудукнинг мутлақ баландлиги, маҳражда сизот сувлари сатхининг мутлақ баландлиги, қавс ичидаги сизот сув сатхининг чуқурлиги.



- Гидроизогипс ва ток чизиклари

**$\nabla KCC$   
360,5**

- коллектор, канал сувлари сатхи

**$\nabla DCC$   
350,8**

- дарё сувлари сатхи

### Сизот сувлари сатхининг чуқурлиги:

Харитада белгиланиши ранги	Сизот сувлари чуқурлиги
оч сариқ	- 0,00 – 0,5 м.
жигарранг	- 0,5 – 1,0 м.
қизғиш	- 2,0 - 2,5 м.
яшил	- 1,0 - 1,5 м
кўк	- 1,5 - 2,0 м
сариқ	- > 2,5 м

**1** ●

- Булоқлар ва уларнинг тартиб сони.

### III. ЁПҚИЧ ҚАТЛАМЛАР ҚАЛИНЛИГИ ХАРИТАСИ УЧУН:

**2**  
**1**  **1,83**

Чап томонда: суратда гурухни тартиб рақами;  
махражда шурфнинг тартиб  
рақами.

Үнг томонда: ёпқич қатlam қалинлиги, м



- ёпқич қатlam қалинлиги миңтақаларнинг чегаралари.

Қатlam қалинлиги:

сарық

- 0,0 – 0,5 м.

күк

- 1,0 – 2,0 м.

жигарранг

-0,5–1,0 м.

түк

- > 2,0 м

яшил

- 1,0–1,5 м.






I—I

- Кесимлар чизигининг йўналиши.

#### IV. “ШОХ” ҚАТЛАМНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА ҚАЛИНЛИГИ ХАРИТАСИ УЧУН:

	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Чапда: суратда гурухнинг тартиб рақами; махражда шурфнинг сони.</li> </ul> <p>Үнгда: суратда “шўх” қатламнинг ётиш оралиғи; махражда “шўх” қатламнинг қалинлиги.</p>
	<p>Табиий очилмалар, уларнинг тартибрақами ва литологик қирқими.</p>
	<p>“шўх” қатламнинг тарқалиш чегараси.</p>
	<p>“шўх” қатлам юзасининг ётиш изолиниялари.</p>

## V. БОШҚА (УМУМИЙ) ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР


	- ақоли яшайдыган пунктлар ва оралиқдаги йүллар.
	- грунтли йүллар
	- қишлоқ йүллари
	- каналлар
	- коллекторлар
	- ёпік зовурлар
	- юқори кучланишли электр линияси

II-илова

II-II йўналиш бўйича геолого-гидрогеологик кесим.

Вертикаль масштаб: 1:100


Горизонтал масштаб: 1: 10000



Масофа, м	10	20	30	40	50	60	70	80	90	100	110	120	130	140	150	160	170	180
Er юзасининг мутлақ баландлиги	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	298.7		298.3		297.2												296.6	
Шурғининг тартиб сони	III-1		III-2		III-3		III-4										III-5	


5-илова

Сизот сувлари сатхининг ётиши чуқурлиги ва гидроизогипс харитаси




**6-илова**

**Үкүв хұжалиғи ҳудудининг ётқич қатламлар қалынлигининг харитаси**  
M1:10000



**ҮКУВ ХҮЖАЛИГИ ХУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН «ШҮХ» ҚАТЛАМИНИНГ СХЕМАТИК  
ХАРИТАСИ**

М 1:10000, 1997 й.



## Ер ости сувлари режимини кузатиши натижаларини қайд қилиш ЖУРНАЛИ

Кузатув қудуғи № .....

Кузатув қудуғи оғзининг мутлақ баландлиги .....м

Сув пайдо бўлган чукурлик .....м

Кузатув ўказилган		Ер ости суви сатхининг ўлчангани чукурлиги, м	Канал коллектор зовурлардаги сувнинг сатхи, м	Эслама	Кузатув қудугининг жойлашиш схемаси
Сана	Соат, мин				
24.06.99 й	8 <sup>00</sup> 13 <sup>00</sup> 18 <sup>00</sup>	1.85 1.78  1.81	Канал-1.90, коллектор-1.70, канал-1.91, коллектор-1.73 канал-1.93, коллектор-1.72	Пахтазор а сув қўйилган	пахтазор + + боғ, йўл, зовур, кўпrik

**9-илова**

**НИВЕЛИРЛАШ ЖУРНАЛИ**

Сана	Нивелирлап нүкталари	Рейкалар бўйича олинган ҳисоблар				Баландлик мм		Боғланган нүктанинг мутлак баландлиги	Кўшимча мальумотлар
		Оркада	Оралиқда	Олдинда	Масофа (м)	Ҳисобланга н	н		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

**10-илова**

**Шурфга сув қўйиш тажриба натижаларини қайд қилиш**

**ЖУРНАЛИ**

Тажриба ўтказиладиган сана .....

Тажриба ўтказиладиган жой ва грунтнинг номи .....

Халқадаги сувнинг баландлиги –  $H = 10$

Капилляр кўтарилиш баландлиги –  $H_k$  ..... см

Сувни грунгта шимилиш чукурлиги –  $Z$  ..... См

Тажриба бошланган вақт .....

Ўлчаш вақти		Ички халқа			Ташқи халқа			Изохл ар
		Идиш кўрсатиши	Сув сарфи		Идиш кўрсатиши	Сув сарфи		
соат	мин	литр	$W_n$	$Q$ л/мин	литр	$W_n$	$Q$ л/мин	
12	00	0	0	0	0	0	0	
12	05	0.45	0.45	0.09	0.75	0.75	0.15	
12	10	0.84	0.39	0.078	1.48	0.73	0.146	
12	15							
12	20							

**Бурғи қудуқларидан тажрибавий сув тортиб олиш натижаларини қайд  
қилиш ЖУРНАЛИ**

95	Бурғи қудуғининг тартиб сони		Тартиб олинаётган сув сарфи, л/сек	Динамик сағхлар, м				Сизот сувларининг барқарор сатҳи, м	Сизот сувлари		
	кун	Ёлчаш вакти		95 <sup>к</sup>	96 <sup>к</sup>	97 <sup>к</sup>	98 <sup>к</sup>		95 <sup>м</sup>	96 <sup>к</sup>	97 <sup>к</sup>
25.08.99	12 <sup>00</sup>	15.0	5.1	4.35	4.01			3.75	1.35	0.60	0.25
	12 <sup>15</sup>	15.2	5.05	4.30	3.97				1.30	0.55	0.22
	12 <sup>30</sup>	14.95	4.95	4.25	4.05				1.20	0.50	0.30

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.**

1. Х. И. Валиев, А. А. Алимов. Методические указания по проведению учебной практике по курсу “Основы геологии и гидрогеологии”. Янгиер 1980 г.
1. В. Д. Войлошников. Полевая геология для техника – геолога. М. Недра, 1988 г.
3. Основаны геологической практики. Коллект, авторов, Москва, Недра, 1978 г.
4. С. М. Қосимов, А. К. Тўхтаев, Муҳандислик геологияси ва гидрогеологиясидан ўқув амалиётини ташкил қилиш ва ўтказиш учун методик кўрсатмалар. Тошкент, 1992 й.
5. Г.У. Юсупов, А. А. Алимов. Методические указания по проведению учебной практики по “Основам геологии и гидрогеологии” для студентов ф – та “Гидротехническое строительство”, Ташкент, 1981 г.
6. F.У. Юсупов “Геология ва гидрогеология асослари” фанидан тажриба ва амалий машғулотларни бажариш учун услубий қўлланма, Тошкент, 1999 й.
7. F.У. Юсупов, Б.М.Холбоев «Геология ва гидрогеология асослари». Тошкент Янги аср авлоди. 2003.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
I. Ўқув амалиётининг мақсади ва вазифалари .....	4
II. Ўқув амалиётини ўтказиш жойи ва уни ташкил қилиш .....	4
III. Ўқув амалиётининг мазмуни ва иш услуби .....	7
IV. Даля ишлари .....	8
IV. 1. Геоморфологик шароитни ўрганиш .....	9
IV. 2. Геологик тузилишни ўрганиш .....	10
IV. 3. Гидрогоеологик шароитни ўрганиш .....	11
IV. 4. Геологик ва инженер – геологик жараён ва ходисаларни ўрганиш .....	13
IV. 5. Бурғилаш ва шурф кавлаш ишлари .....	13
IV. 6. Режим кузатув ишлари .....	16
IV. 7. Даля тажриба ишлари .....	16
IV. 7. А.Н. С. Нестеров усули ёрдамида аэрация минтақаси тоғ жинсларининг фильтрация коэффициентини аниқлаш .....	17
IV. 7. Б.Режим – кузатув натижаларидан фойдаланиб каналлар ва зовурларнинг гидродинамик номуккаммаллигини аниқлаш .....	19
IV. 7. В.Кудуқлардан тажрибавий сув тортиб олиш натижаларидан фойдаланиб гидрогоеологик кўрсаткичларни аниқлаш .....	21
IV. 8.Дала кундалигини олиб бориш тартиби .....	24
V. Камерал ишлар ва хисботни тузиш .....	25
V. 1.Камерал ишлар ташкил қилиш .....	25
V. 2.Хисботнинг мазмуни .....	25
V. 3.Амалиёт синовини топшириш тартиби .....	26
VI. Даля амалиёти даврида меҳнат хавфсизлиги талабларига амал қилиш қоидалари Хисботга илова қилинадиган чизмалар ва жадваллардан намуналар:.....	29
Хисбот сарварағи.....	30
1. Даля кундалиги .....	31
2. Хариталар, қирқимлар ва бошқа чизмаларда ишлатиладиган шартли белгилар	32
3. Сизот сувлари сатҳининг гидроизогипс ва ётиш чукурлиги харитаси .....	33
4. Ўқув хўжалиги худудидаги ёпқич қатламлар қалинлиги .....	34
5. Ўқув хўжалаги худудида тарқалган “шўх” қатламнинг схематик харитаси.....	35
6. Ер ости сувлари режимини кузатиш натижаларини қайд қилиш журнали .....	38
7. Нивелирлаш журнали .....	42
8. Шурфга сув қуиши тажриба натижаларини қайд қилиш журнали .....	42
9. Бургу қудуқларидан тажрибавий сув тортиб олиш натижаларини қайд қилиш журнали .....	43
10. Сизот сувлари сатҳи режимининг графиги .....	43
11. Фойдаланилган адабиётлар .....	44

ЮСУПОВ ГИЁС УСМОНОВИЧ,  
НУРЖАНОВ САТБАЙ ЕЖШАНОВИЧ  
ҚУВВАТОВ ДИЛШОД АШУРАЛИЕВИЧ

“Геология ва гидрогеология асослари” фанидан ўқув амалиётини ташкил  
қилиш хамда уни ўтказиш бўйича

## услубий кўрсатма

Мухаррир:  
Мусахҳих:

М. Нуртаева  
Н. Абдурхмонова

Босишига руҳсат этилди \_\_\_\_\_ қоғоз ўлчами \_\_60×84 1/16  
Хажми 2,75 босма табоқ. 15 нусха. Буюртма \_\_\_\_\_  
ТИМИ босмахонасида босилди.

Тошкент – 100000, Кори Ниёзий кўчаси, 39 уй.



